

Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot instituti

MA'LUMOTNOMA

3 oktabr 2025 yil.

03D\M-1126-son

Бухоро давлат тиббиёт институти талаба-ёшлар орасида
“Коррупциясиз таълим — ёрқин келажак кафолати”
мавзуси бўйича ўтказилган профилактик тадбир тўғрисида

Жорий йилнинг 02 октябр куни Бухоро давлат тиббиёт институтининг коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Х.Б.Файзиев, мазкур бўлим бош мутахассиси О.А.Ражабов ва тьютерлар Ф.Ҳ.Ҳамроева, Г.Ҳ.Очиловалар билан биргаликда Тиббиёт факультети Педиатрия йўналиши 1-босқич 131, 133, 137-гуруҳ талаба-ёшлари орасида **“Коррупциясиз таълим — ёрқин келажак кафолати”** мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида 69 нафар талаба-ёшлар қатнашдилар. Тадбирни ўтказишдан мақсад ОТМдаги профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ҳамда талаба-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборатдир.



Бўлим бошлиғи Х.Б.Файзиев мавзуга оид маъруза билан иштирок этиб, у томонидан “Коррупция” ҳақида тушунтириб ўтди. Бугунги кунда таълим тизими — давлатнинг келажаги учун муҳим асосдир. Яхши таълим берилмаса, давлатнинг иқтисодиёти, маданияти ва ижтимоий ривожланиши ҳам орқада қолади. Шу боис таълим тизимига эътибор кучайтирилиши зарур. Аммо таълим соҳасида коррупциянинг мавжудлиги бу ривожланишга катта

тўсқинлик қилади. Коррупция — бу давлат ва жамият учун оғир зарар келтирадиган иллатдир. Айниқса таълим соҳасида коррупция — келажак авлодларнинг билим ва кўникмаларини нотўғри баҳолашга, ёлғон диплом ва сертификатлар тарқалишига олиб келади. Бу эса ўқувчиларнинг ва умуман жамиятнинг ишончини йўқотишига сабаб бўлади.



Коррупция таълим тизимига қандай таъсир қилади?

1. Сифатсиз таълим: Қаршига қўйилган вазифалар ёки имтиҳонлар пул эвазига осонликча ўтилса, ўқувчилар ҳақиқий билим олишмайди. Бу уларнинг профессионал салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

2. Ноодиллик ва адолатсизлик: Илмга асосланмаган баҳолаш ёшлар орасида адолатсизлик туғдиради. Бу эса ёшлар ўртасида мотивациянинг пасайишига олиб келади.

3. Жамиятда ишончнинг сустлашиши: Қонунлар ва тизимларга бўлган ишонч йўқолади. Бу эса давлатга ва унинг институтларига ишонмасликни кучайтиради.

Коррупциясиз таълим қандай бўлиши керак?

Ҳар бир ўқувчи ўз қобилияти ва меҳнати орқали билим олиши ва баҳоланиши керак.

Имтиҳонлар шаффоф, адолатли ва очиқ ўтказилиши лозим.

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши қатъий чоралар қўлланилиши зарур. Ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ишонч ва ҳурмат муҳити яратилиши керак.



Натижада Коррупциясиз таълим — бу фақатгина ҳуқуқий ва этик талаб эмас, балки келажак учун муҳим инвестициядир. Бугунги кунда ҳар биримиз, давлат идоралари, таълим муассасалари ва жамият аъзолари сифатида, коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этишимиз лозим. Шундагина ёшларимиз ҳақиқий билим ва кўникмалар билан таъминланиб, мустақил, интилишли ва келажакда жаҳонда ўз ўрнини топа оладиган кадрларга айланади.

Шунингдек, ёрқин келажак учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Биз коррупцияни йўқ қилишга йўналтирилган кучли тизим яратишимиз лозим, бу эса нафақат таълим соҳасини, балки бутун жамиятни соғломлаштиради.

Тадбирда уларнинг ҳар бири атрофлича таҳлил қилинди, шунингдек, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган превентив механизмларни ишлаб чиқиш чоралари кўрилаётгани қайд этилди.

**Коррупцияга қарши курашиш
“Комплаенс назорат” тизимини
бошқариш бўлими бошлиғи**



Х.Б.Файзиев